

А Ж Р И М

Жазодан муддатидан илгари озод қилинган шахс зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бир қисмини бекор қилиш тўғрисида

2026 йил февраль ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Норин тумани судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, туман судининг раиси Т.Мелибоев раислигида, судья ёрдамчиси Д.Назаров котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Махмудов, ҳимоячи „.....“ ва фуқаро „.....“ иштирокида, ҳимоячи „.....“нинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бир қисмини бекор қилиш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2025 йил 12 июндаги ажримига кўра,

..... 2002 йил 23 февралда Избоскан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, Норин туманидаги, масумий ишчи, бўйдоқ, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бўстон туман судининг 2022 йил 24 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2023 йил 4 июлдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан асосан ўталмай қолган 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Наманган вилояти, Норин тумани, “Яйдоқ” МФЙ, Шарқ Юлдузи кўчаси, 66-уйда яшовчи,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 4 ой 22 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиб, унинг зиммасига Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқмаслик, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш мажбуриятлари юкланган.



Ҳимоячи „.....“ илтимосномасида, „.....“ суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажариб келаётгани, қайта жиноят содир этмаганлиги ва маъмурий жавобгарликка тортилмагани, ҳозирда оилада ягона боқувчи эканлигини, қариндошлари чет элда ишлаб келиши, унга нисбатан маҳалла фуқаролар йиғини томонидан кафолат хати берилгани, „.....“нинг оилавий шароити ва моддий аҳволини ва чет элга чиқиб ишлаш заруриятини инобатга олиб, унинг зиммасига юкланган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқмаслик мажбуриятини бекор қилиб беришни сўраган.

„.....“ судда, илгари судлангани бўйича жазолардан муддатидан илгари озод қилингани, бироқ унга Ўзбекистон Республикасидан чиқмаслик мажбурияти юклангани, оилада ягона боқувчи бўлиб, ҳозирда моддий томондан қийналиб қолишгани, қариндошлари билан Қирғизистонга бориб ишлаб келиши учун уни зиммасидаги мажбуриятни бекор қилиб, оиласини боқишига имконият берилишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Норин тумани “Яйдоқ” МФЙ раиси „.....“ ва фаоллари томонидан тузилган далолатнома ва илтимосномада, „.....“нинг яшаш жойида доимий даромад манбаи бўлмагани сабабли чет элга бориб даромад топиши қайд этилиб, унга қўйилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқмаслик мажбуриятини олиб ташлашга амалий ёрдам кўрсатиш сўралган.

Норин туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Махмудов, маҳкум „.....“нинг содир этган жинояти эҳтиётсизлик оқибетида содир этилганлигини, жазони ўташ даврида унга юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарганлигини, оилавий шароити, моддий аҳволини ҳисобга олиб, уни чет эл давлатига чиқиш чекловини бекор қилишга тўсқинлик мавжуд эмаслиги билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 7-қисмида, прокурорнинг тақдимномасига ёки адвокатнинг илтимосномасига биноан суд жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, прокурорнинг илтимосномани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини, ҳимоячи ва фуқаро „.....“нинг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича муҳокама қилиб, ҳимоячи „.....“нинг илтимосномаси қаноатлантиришни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 542-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Ҳимоячи Р.....нинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.



Фуқаро [REDACTED] жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2025 йил 12 июнь кунги жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги ажрими билан юклатилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқмаслик мажбурияти бекор қилинсин.

Ажрим ижро учун Норин тумани ИИБга ва маълумот учун Норин туман прокурорига юборилсин.

Ажримдан норози томон мазкур суд орқали Наманган вилоят судига хусусий тартибда шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик этувчи

Т.Мелибоев

